

**БАДИЙ АСАРЛАРДАГИ ПЕРСОНАЖЛАР НУТҚИДА СЎЗ
ТЕЖАМКОРЛИГИНИНГ АКС ЭТИШИ**

Саидов Хайрула Шавкатович

БухДУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6628919>

Аннотация

Ушбу мақолада инглизчада Америка адаблари асарлари мисолида персонажлар нутқида учрайдиган сўз тежамкорлигининг кўринишлари, воситалари, бадий ҳамда лексик-семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: сўз, лексик тежамкорлик, метонимия, олинма сўз, вульгар сўз, олмош, персонаж, нутқ, инглиз, принцип.

Тилда баъзан товушларнинг, сўзларнинг, сўздаги айрим қисмларнинг тушириб қолдирилиши сўзнинг лексик-семантик структурал таркибида ўзгаришлар юз беришига олиб келадики, бу ҳодиса қадимдан олимларнинг эътиборини тортиб келаётган масалалардан биридир.

Тежамкорлик бадий асарларда кўпинча персонажларнинг диалогик нутқида кузатилади. Бундан тежамкорлик принципининг ижтимоий ҳаётда кўпроқ инсонларнинг сўзлашув нутқида учраши аёнлашади.

Жонли тилнинг амал қилиш жараёнида баъзан товуш ёки бўғин, баъзан эса сўз ё гап тежалади. Бу эса тилнинг ўзгариб, ривожланиб боришидан дарак беради. Шундан тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув ҳодисаси тилнинг амал қилишида ёрқин намоён бўлувчи муҳим ҳодисалардан бири сифатида кўринади. У ўзига хос қонуният даражасига кўтарилгани билан алоҳида эътиборни тортади.

Тежамлилик тамойили дунёдаги барча халқларнинг тил тизимида хос бўлиб, тилнинг барча сатҳларида кузатилади. Унга хос қисқарув ҳодисасининг ўз механизм ва шакллари мавжуд.

Бадий асарлардаги персонажлар нутқида сўз тежамкорлигининг акс этишини Америка адаблари асарлари мисолида кузатар эканмиз, уларда кўпинча боғловчи ва олмошларнинг тушириб қолдирилишига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Уильям Фолкнернинг “Айиқ” қиссасидаги (Эркин Эрназаров таржимаси) қуйидаги диалог бу жиҳатдан диққатни жалб қилади:

– Йўқ. Ишлар қўйиб юбормайди. Сенга эса омад тилайман. Олмагон ушласанг, олиб келарсан.

– Яхши, – деди бола. – Келтираман.

Биринчи гап аслида “Мен сенга эса омад тилайман”, “Мабодо (агар) сен олмахон ушласанг, уни олиб келарсан” кўринишида бўлиши керак эди.

Аммо бунда “тилайман” феъли таркибидаги биринчи шахс бирлик сондаги шахс-сон қўшимчаси унга мазмунан яқин бўлган 1-шахс бирликдаги “мен” олмошининг тушириб қолдирилишига олиб келган. Шу гапнинг давомида келтирилган “ушласанг” феъли таркибидаги -са шарт майли қўшимчаси “мабодо”, “агар” сингари шарт боғловчисининг ҳамда -инг иккинчи шахс қўшимчаси қўлланиши эса “сен” иккинчи шахс бирликдаги олошнинг ишлатилмаслигига олиб келган. Келтирилган гапга жавоб сифатида берилган “Яхши, – деди бола. – Келтираман” гапи аслида “Мен агар олмахон ушласам, мен сизга уни олиб келаман” кўринишида берилиши лозим эди. Аммо бунинг натижасида тавтологиянинг олди олинган. Шунда бу гап тўлиқ гап ҳисобланарди. Бироқ бола тилидан келтирилган маазкур гап тўлиқсиз гап шаклига эга, чунки унда фикр ифодаси учун зарур бўлган барча бўлаклар келтирилмаган, тушириб қолдирилган. Улар бош ва иккинчи даражали бўлаклардир. Уларнинг барчаси тушириб қолдирилиб, фақат гапнинг асосий марказий бўлаги саналувчи “кесим” бўлак сақланган, холос. Бунда кесимни ҳосил қилган “келтираман” феъли ҳам “олиб келмоқ” феълини тежамкорлик принципи асосида қўллаш орқали шакллантирилган ва “келтирмоқ” кўринишида ишлатилган.

Тежамкорликнинг бир кўриниши гапни тугатмаслик. Тугамаган гап эса матнларда кўп нуқта билан берилади: “Бош қотириб ўтирадиган жойи йўқ, – деди у. – Унга хат ёзиб юбориш керак, уйини тартибга келтириб қўйсин. Бир озгина фурсат берайлик, агар шунда ҳам нафи тегмаса...

– Э, йўқ, бўлмайди, сэр, – унинг сўзини кесди судья. – Ким ледининг юзига қараб туриб, сасиб кетяпти дейди.

Демак, юқоридаги гапнинг тугатилмай қолишига унинг тингловчи томонидан кутилмаганда “кесиб қўйилиши” сабаб бўлмоқда. Шунингдек, келтирилган гапнинг давоми бўлган “Ким ледининг юзига қараб туриб, сасиб кетяпти дейди” гапида яна иккита тежамкорликни кузатиш мумкин. Биринчиси – “леди” сўзини келтириш орқали антропоним (шахс исми) тежалмоқда. Аслида у “леди Мисс Эмили Гирсон” бўлиши лозим эди. Чунки ҳикоя шу хоним номи билан боғлиқ.

Иккинчиси шуки, “сасиб кетяпти” феъли асарда “майит”га нисбатан ишлатилган. Бу сўз гўштга, озиқ-овқатга, қўлмакларга нисбатан ва ҳоказо ишлатилиши мумкин.

Бундан англашиладики, бадий матнларда тилшуносликка хос тежамкорликлик принципи асосида тушириб қолдирилган сўзларни (лексик бирликларни) токи асар сюжетида хабардор бўлмаса, бирдан илғаб бўлмайди.

Сўзнинг чала ёзилиши ҳам лексик тежамкорликнинг бир кўриниши дейиш мумкин. Масалан:

- Менга заҳар керак, – деди у.
- Хўп бўлади, мисс Эмили, лекин қанақасидан бўлсин? Каламушга бўлса керак-да? Мен сизга тавс...

Қўшма сўз / тавсия қилмоқ / тавс... шаклида қисқартирилган. Қисқартирилган сўзлар ҳам лексик тежамкорликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Юқорида “тавсия қилмоқ” феълининг “тавс...” кўринишида қисқартирилиб берилишига сабаб шуки, қиз сўзловчини охиригача тингламай чиқиб кетади. Натижада асарда шундай лексик қисқартма ишлатилишига сабаб пайдо бўлади.

Қуйидаги гапда “яхшиси” сўзининг қўлланиши ҳам лексик тежамкорликка олиб келган: “Менга энг яхшиси керак – нима деб аталиши билан ишим йўқ”.

Аслида келтирилган гап “Менга (заҳарнинг) энг яхшиси керак – (унинг) нима деб аталиши билан (менинг) ишим йўқ” мазмунида бўлиб, унда заҳар, унинг, менинг сўзлари тушириб қолдирилгани олдинги контекстдан англашилиб туради.

Олмошлар – нутқда нафақат лексик, балки фонетик тежамкорлик учун катта ёрдам бера олади. Масалан, юқорида келтирилган “у” кишилиқ ва кўрсатиш олмоши тўрт бўғинли “мисс Эмили” бирикмасига ишора қилиб келаётган бўлса, “қанақасидан” сўроқ олмоши “заҳарнинг қайси туридан бўлсин” жумласини ифодалашга хизмат қилиб келмоқда. Яъни уларнинг бир ўзи иккидан ортиқ сўзни тежашга замин яратмоқда.

Битта матнда бир неча хил тежамкорлик тури бўлиши мумкин. Натижада сўзловчининг уларни айтишга сарфланадиган энергияси (куч-қуввати) тежалади.

Шунингдек, тежамкорлик инсоннинг исми-шарифини айтиш жараёнига ҳам хосдир. Масалан, У.Фолькнернинг “Эмили учун аталган атиргуллар” (Иброҳим Ғафуров таржимаси) асари номидаги Эмили антропоними тўлиқ ҳолда “Мисс Эмили Грирсон” экани асар бошланишидаёқ таъкидланган.

У.Фолькнернинг “Тўзонли сентябрь” (Иброҳим Ғафуров таржимаси) асарида ҳам антропонимларни олмош орқали ифодалаш йўли билан лексик тежамкорликка эришилгани кўзга ташланади. Масалан:

- Мен Уил Мэйзни биламан. У қора бўлса ҳам, ўзи ёмон йигит эмас. Минни Куперни ҳам биламан.
- Сен унинг нимасини биласан? – деди бошқа сартарош.

У ким ўзи? – сўради мусофир. – Ёшгина қизчадир-да?

Олинма сўзлар ҳам лексик тежамкорликка восита бўла олади. Масалан, “дори сотувчи” – “аптекачи” деганда иккита сўз ўрнида битта сўз ишлатилади.

Вульгар сўзларни қўллаш ҳам тежамкорлик тамойили билан боғланади. Масалан: “Хўп, нима бўпти! Онасини палон-пистон, бунинг нима аҳамияти бор!”.

Баъзан асарларда жон таслим қилаётган одам нутқида лексик тежамкорлик принципи асосида сўзларнинг бўлиб-бўлиб, узук-юлуқ берилиши намоён бўлади. Масалан: “Нима... Бобо. Бобож...”

Лексик тежамкорликда тўлиқсиз феълнинг тушиб қолиши энг кўп учрайдиган ҳолатлардан биридир. Масалан, “Кутганимдан ҳам аъло!” гапида “экан” сўзи тушириб қолдирилган.

Англиялик адиб Фейрининг “Йиллар армони” ҳикоясида шундай парча бор: “Ўша пайт унга дўст бўлишни истамаслигимни, уни қаттиқ севишимни жуда айтгим келди. Аммо ... уялдим”. Кўриняптики, бу парчада ўндан ортиқ сўз тежалган, тушириб қолдирилган. Уларнинг тушириб қолдирилгани “кўп нуқта” орқали билдирилмоқда.

Англиялик ёзувчи Розмари Бордернинг “Пианиночи” ҳикоясида исмни қисқартириб айтиш ҳолати учрайди: “Ҳа, унинг исми Антони, лекин биз Тони деб атаيمиз.

Кўринадики, бунда сўз қисқармаяпти, унинг таркибидаги биринчи бўғин – “ан” қисқартирилган.

Тақлид сўз ҳисобига ҳам тежамкорлик амалга ошиши мумкин. “Қора асп билан тўсиб, шоҳга кишт бер... Йўқ бу ярамайди. Кейинги юришни бир ўйлаб кўр.

Жек Лондоннинг “Шимол одиссеяси” ҳикоясидан олинган ушбу парчада “кишт бер” деган тақлид сўз таркибли қўшма феъл орқали шахмат доналаридан бирининг номини ифодаловчи “шоҳ” ни йўлингдан йўқот, ўйиндан чиқар” маслаҳати ифода этилмоқда.

Метонимия ҳодисаси лексик тежамкорликнинг энг фаол воситаларидан биридир. Масалан: “Шимол бу ерда нима қилиб юрибди?” – деди бошқаси. Мен шу ерда ўсганман”.

Бу гапда “шимоллик одам” сўзи ўрнида “шимол” сўзи қўлланган. Одам сўзи тушириб қолдирилган.

Хулоса қилиб айтганда, лексик тежамкорлик кўпинча луғавий маънога эга бўлмаган сўзлар – олмошлар, тўлиқсиз ва кўмакчи феъллар ҳисобига амалга оширилади. Баъзан олинма сўзлар, вулгар сўзлар, тақлид сўзлар

ҳам бу жараёнда иштирок этиши кузатилади. Метонимия, эллипсис унинг фаол кўринишлари ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Глаголев Н.. Языковая экономия и языковая избыточность в синтаксисе разговорной речи (на материалах немецкого языка): Автореф. ... канд. филол. наук. – М., 1967. – 20 с.
2. Гоксадзе Л.С. Об усечении неполнозначных глаголов в разговорном английском языке: Автореф. ... канд. филол. наук. – Тбилиси, 1964. – 16 с.
3. Ейгер Г.В. О роли принципа экономии в эволюции языка (на материале немецкого и английского языков) // Материалы всесоюзной конф. по общему языкознанию «Основные проблемы эволюции языка» 9-16 сентября 1966 г. – Самарканд: Фан, 1966, ч. II. – С. 375-377.
4. Фолькнер Уильям. // Қисса ва ҳикоялар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – Б.86-149.
5. Элтазаров Ж.Д. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2004. – 110 б.